

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

ЛОТ-102433-сон

2022 йил «22» декабрь

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **«Навоий вилоят Санитария эпидемиологик осойишталиқ ва жамоат саломатлиги бошқармаси** номидан Низом асосида иш юритувчи бошкарма бошлиғи Б.Ж.Рустамов бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган номидан Низом асосида иш юритувчи директор Р.Арзиколов иккинчи томондан «IMRONBEK VA MALAK 2022» ООО **Навоий вилоят Санитария эпидемиологик ва осойишталиқ ва жамоат саломатлиги бошқармаси маъмурий биноси Иссиклик тизимини таъмилаш»**га доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Таърифлар

1. Мазкуршартномадатарифларқўлланилади:

«ижро хужжатлари»:- натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда кабул килиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар:

«курилиш майдони»: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегарасини ажратиб кўйилади ёки буш режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб кўйилади.

«вактинчалик ишлар»: Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур бўлган ҳар типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар.

«беркитилган ишлар»:- сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир боскичи ёки турлари кийматининг аник белгиланган холда шартнома бўйича объектни умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ **«Навоий вилояти Санитария эпидемиологик ва осойишталиқ ва жамоат саломатлиги бошқармаси маъмурий биносини Иссиклик тизимини таъмилаш»** ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар киймати

3.1. Мазкур шартнома киймати Электрон тендер натижасида аникланган ва электрон тендернинг **2022 йил «19» декабрдаги № 102103-сон баёнига кўра ҚҚС билан 84 650 000 (Саксон тўрт миллион олти юз эллик минг)** сўмни ташкил этади.

Курилиш киймати ва қўпайтиришга енгид бўлмайдиган куч (форс-мажор) холати сабаб бўлганда;

ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг курилиши бир йилдан ортикка ўзгартирилганда.

3.2. Курилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада хамда мазкур объектнинг лойиха-смета хужжатларида назарда тутилган хажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

-таъмилаш майдонига зарур курилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникаларини етказиб бериш, уларни кабул килиш тушириш омборга жойлаш ва саклаш;

- курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар куриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор килиш;

- курилиш таваккалчилигини суғурта килиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар хамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;

курилиш майдонини кўрикланишини таъминлаш;

курилиш жараённада жалб килинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома конуний кучга киргандан сўнг ишларни бажариш учун курилиш майдонини объект курилиши бошланиши ва курилиш тугаллангунча бўлган даврда Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий курилишда техник назорат ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;

-Буюртмачи томонидан (Тасдикланган Манзилли дастур асосида) курилиш обьектига ажратиладиган лимит доирасида Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга оширишни ўз зиммасига олади;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини кабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддати

6.1. Шартнома миллий валюта(сўм)да ўзаро хисоб-китоб килинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация килган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро хисоб-китоб килинганда шартнома конун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

6.2. Пудратчи мазкур шартномага мувофиқ, аванс тўлови тушган кундан бошлаб 3 иш куни ичида ишларни бажаришга киришади.

6.3. Таъмирашнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан 20 кунни ташкил этади.

6.4. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва хисоб-китоблар

7.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома Вилоят ғазначилик бошкармасидан (электрон) рўйхатдан ўтгандан сўнг курилишнинг дастлабки икки ойи мобайнida аванс тўловлари курилишнинг прогноз килинаётган йили учун танлов савдолари натижалари бўйича белгиланган ишлар кийматининг 30 фоизигача микдорда ажратилади, бу 25 395 000 (Йигирма беш миллион уч юз тўксон беш минг сўм) сўмни ташкил этади.

7.2. Тасдикланган Манзилли рўйхатга ҳамда Инвестор томонидан маблағ ажратилишидан келиб чиқиб, Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш, шартноманинг 2-иловаси молиялаштириш графики асосида амалга оширилади.

7.3. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни хисобга олган ҳолда, жорий кийматнинг 100% (84 650 000 (Саксон тўрт миллион олти юз эллик минг сўм) доирасида амалга оширилади.

7.4. Объектни умумий шартномавий жорий кийматининг Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил хисоб-китоб курилиш тугалланганиб, обьект кабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда кабул килингандан кейин ва мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан сўнг (шунигдек Инвестор томонидан (Тасдикланган Манзилли дастур асосида) ажратилган маблағ Буюртмачининг Ғазначилик бошкармаси (молиялаштириш муассасаси ёки банк)даги хисоб ракамига тегишли тартибда келиб тушгандан кейин) амалга оширилади.

Бунда пудратчи буюртмачига:

-объектдан фойдаланувчи ташкилот, буюртмачи ва пудратчи томонидан кафолат муддати тамом бўлгандан сўнг эътироуз ва камчилик йўклиги тўғрисидаги уч томонлама далолатномадан асл нусха,

-объектнинг фойдаланишга кабул килиш тўғрисида тасдикланган ишчи кабул ҳайъат далолатномасини тақдим этади.

7.5. Пудратчи обьект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳукукини ўзида саклаб колади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, обьектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.7. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнida бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳакда конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш ҳукукига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳак тўлашдан озод килинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

8.1. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнida ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳукукига эгадир.

8.2. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

8.3. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан обьектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

8.4. Пудратчи обьектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.5. Курилиш майдонида умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

8.6. Буюртмачи курилиш майдонини бериш түгристидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортикча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш түгристидаги хужжатларни беради.

8.7. Буюртмачи курилиш майдонини бериш түгристидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка килиш) учун Пудратчига геодезия нуктлари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.8. Пудратчи геодезия нуктларига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг түғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги түғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аникланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

8.9. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлашиш схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

8.10. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нуктларида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.11. Пудратчи ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха хужжатларидан кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқовчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

8.12. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига караб уларни қабул килишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва курилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор киласди.

8.13. Қабул килинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул килиш далолатномалари ҳамда уларнинг курилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.14. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.15. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чишишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошираса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар хисобланмайди.

8.16. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатисиз бажарилганинги аникласа у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 8.15 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно

Агар Пудратчи сифатисиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

8.17. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдонда курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

8.18. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул килиб олинниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмасилиги билан боғлик тўхтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши түгристидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён киласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларини кўриклаш

9.1. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллагунча ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул килиб олингунга кадар четлари тўсилган курилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар курилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

9.2. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулклар объект қабул килиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиг бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиг бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг

бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал килган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактда мутаносиб равиша узайтирилади.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вактда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама киладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш

11.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул килиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

11.2. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул килиб олинади.

11.3. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлумига мувофик Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равиша тасдиқлаши керак.

11.4. Объект қабул килиб олинган пайтдан бошлаб Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

12.1. Пудратчи:

- барча ишлар тўлик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

- лойиха хужжатлари ҳамда қурилиш меъёrlари, коидалари ва техник шартларга мувофик бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф килинишни;

- объектдан фойдаланганда мухандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

12.2. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул килиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида **12ой** этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланаб, уни бартараф этилгунга кадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларида гана нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлумида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб колиш хукукига эга.

12.4. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чикиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иктисодий судга мурожаат килишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор килиш

13.1.5. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кечиктирилган ҳолда;

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёrlари ва коидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

13.2.Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тўхтатиб кўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

13.3. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган курилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

13.4. Мазкур шартномани бекор килишга қарор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.5. Шартнома бекор килинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.6. Шартноманинг бир томонлами бекор килинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка конун ҳужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкacha жавобгарликка тортилади.

14.2. Мазкур шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, Буюртмачи томонидан ажратилган маблағ Буюртмачининг Ғазначилик бошкармаси (молиялаштириш муассасаси, ёки банк)даги хисоб ракамига тегишли тартибда келиб тушиб ўз вактида молиялаштирумaganлиги ва шартномада белгилangan бошка мажбуриятларни бузганлига учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,3 фоизи микдорида пения тулайди, бунда пениянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

14.3. Шартномага мувофик бажарилган ишлар ҳажмини тасдиклашдан асосиз равиша бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиклаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 10 фоизи микдорида жарима тўлайди.

14.4. Пудратчи обьектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,3 фоизи микдорида пения тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим. Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараФ этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,3 фоиз микдорида пения тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод этмайди.

14.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгилangan стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофик бўлмаса у ҳолда Буюртмачи курилишда Давлат назорати инспекциясининг хulosasi асосида обьектни кабул килиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 10 фоизи микдорида жарима ундириш хукукига эга.

14.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкири шартномани бузган томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган заарларни коплайди.

14.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкacha тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

15.1. Шартномани бажаришда ва бекор килишда, заарларни коплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун ҳужжатларида белгилangan тартибда иктисодий суд томонидан кўриб чикилади.

XVI. Коррупцияга қарши қўшимча шартлари

16.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал килиш муддатида шартнома билан боғлик коррупциявий харакатларни содир килмасликка келишиб оладилар.

16.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгилangan коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

16.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдар шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлик ҳолда конунга хилоф равиша пул, моддий кимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларга беришга ваъда килинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар кандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги харакатларини амалга ошириши ёки килиши мумкинлиги ҳакида таасурот колдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб килинган шахсларнинг ушбу харакатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

16.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат киладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгилangan мажбуриятлар бузилганлиги факлари ҳакида хабар берилганлиги учун уларга тазийик ўтказмаслигини ва бошка салбий оқибатлари келтирмаслигини кафолатлайдилар.

16.5. Агар бир тарафга бошка тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгилangan мажбуриятларини бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб колса, иккинчи тарафни бу ҳакда зудлик билан

хабардор килиши ва ушбу тарафдан окилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор килишини талаб килиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан коидабузарликларни бартараф килиш бўйича окилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрilmaganda, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор килишга хамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб килишга ҳакли.

XVII. Алоҳида шартлар

17.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.

17.2. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алоҳида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

17.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳакиқий хисобланади.

17.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар кандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

17.5. Агар Пудратчи шартномага бўйича ишлар якунланганидан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли молмулкни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санаасигача бажарган ишлари учун ҳак тўлашни кечикиришга ҳаклидир.

17.6. Шартномада назарда тутилмаган бошқа барча коллар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

17.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

73. Шартнома ушбу обьектнинг молиялаштирилиши бўйича Манзилли руйхати тасдиқланиб, Вилоят Фазначилик бошкармасидан (электрон) руйхатдан ўтгандан кейин конуний кучга эга хисобланади.

17.8. Шартноманинг молиялаштириш бўйича амал килиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

17.9. Мазкур шартнома томонлар ўртасида шартлари тўлиқ бажарилгунга кадар амал киласди.

Буюртмачи: «Навоий вилояти Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси» Манзил: Навоий шахри, Навоий кўчаси 8-үй, Тел: 79-220-30-15, Банк: Тошкент шахри Марказий банки ХКМ, МФО: 00014, СТИР: 200006096, ОКОНХ: 71200
ш.х/р: 100021860124017074110054001

Ўз.Рес. МолияВазирлиги Фазначилиги х/р: 23402000300100001010 Тошкент ш. Марказий банк ХКМ, СТИР: 201122919

Бошқарма бошлаги:

Юрист:

Б.Ж.Рустамов

Пудратчи: ««IMRONBEK VA MALAK 2022» ООО, Навоий шахри, Ғалаба шоҳ кўчаси 59/2-үй, тел.: +99897-611-08-00, х/р: 2020_8000_5054_6620_5001. АТБ “Қишлоқ курилиш банки” Навоий шахар филиали МФО: 00202, СТИР: 309088034.

Пудратчи
рахбари:

Р.Арзикулов

